

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2025 йил май ойининг 1 куни жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, онлайн режимида, раислик қилувчи Ж.Ҳайдаров, судья ёрдамчиси Х.Анаркуловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Оҳангарон туман прокурорининг катта ёрдамчиси Ж.Саидов, судланувчи Ш.Ш.Ш., ва унинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи Оҳангарон шаҳрида жойлашган [REDACTED]

[REDACTED], судланувчи А.А.А., ва Ғ.Ғ.Ғ., ва уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи [REDACTED]

[REDACTED]нинг иштирокида, Ш.Ш.Ш.,га нисбатан 1-1111-2501/52-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ғ.Ғ.Ғ., [REDACTED]

туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар вояга етмаган фарзандлари бор, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

яшайди, иш бўйича ЖПКнинг 227-моддасига асосан 2025 йил 15 январь куни соат 18:40 да ушланиб, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2025 йил 17 январь кунги ажримига кўра “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 07 март куни олган.

А.А.А., [REDACTED]

туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, бўйдоқ, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган, [REDACTED]

яшайди, иш бўйича ЖПКнинг 227-моддасига асосан 2025 йил 15 январь куни соат 19:20 да ушланиб, жиноят ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2025 йил 17 январь кунги ажримига кўра “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 07 март куни олган.

Ғ.Ғ.Ғ., [REDACTED]

туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, уч нафар фарзандлари



бор, мавсумий ишчи, муқаддам судланмаган,
[REDACTED] яшайди, иш бўйича
ЖПКнинг 227-моддасига асосан 2025 йил 15
январь куни соат 20:07 да ушланиб, жиноят
ишлари бўйича Оҳангарон туман судининг 2025
йил 17 январь кунги ажримига кўра “қамоққа
олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган,
айблов хулосаси нусхасини 2025 йил 07 март куни
олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми
“б,в” бандлари билан айбланганлар.

Суд, судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб,
прокурорнинг фикрини эшитиб, иш материалларини атрофлича
ўрганиб муҳокама қилиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо
бериб, тарафлар музокараси, судланувчиларнинг ҳимоя ва охириги
сўзларини тинглаб, қуйидагиларни

АНИҚЛАДИ:

Яъни, Департаментнинг Оҳангарон туман бўлими ва Тошкент
вилояти ИИБ ЖТСБ карантин тадбирларини таъминлаш бўлинмаси
ходимлари Оҳангарон туман ИИБ ходимлари билан ҳамкорликда
2025 йил 7 январь куни ўтказилган тезкор ўрганишда [REDACTED]

мавжудлиги аниқланган.

Мазкур ҳолат юзасидан ўтказилаётган терговга қадар текширув
ҳаракатлари давомида, 2025 йил 9 январь куни фуқаро Ш.Ш.Ш.,
Оҳангарон тумани ҳудудидаги дала шийпонида “Э.Э.Э.” ҳайвонларини
сўйиш ва истеъмол учун ўтказиш мақсадида “Э.Э.Э.” гўшти
маҳсулотларини олиб кетаётган вақтида Тошкент вилояти Нурафшон
шаҳри ҳудудида шаҳар ИИБ ходимлари томонидан тўхтатилиб
қолинган.

Тадбир давомида, фуқаро Ш.Ш.Ш., ушбу “Э.Э.Э.” гўшти
маҳсулотларини [REDACTED]

[REDACTED] шахсга бир килограмм учун 20 минг сўмдан, жами
200 килограммни 4.000.000 сўмга сотишга келишганлигини айтиб, ўз
ихтиёри билан тезкор тадбирда иштирок этишини маълум қилиб,
айбига иқдорлик ва пушаймонлик аризаси билан мурожаат қилган.

Ўз навбатида, фуқаро Ш.Ш.Ш.,нинг ушбу аризасига асосан
Департаментнинг Оҳангарон тумани бўлими, вилоят ИИББ ЖХХ ЖТСБ
КТТГ ва туман ИИБ ЖҚБ ходимлари ҳамкорлигида 2025 йил 9 январь
куни Тошкент шаҳар Миробод тумани, “Янги-қўйлик” м.ф.й.,
Қўйлик-4 даҳасида жойлашган “Автомобилларга техник хизмат



кўрсатиш устахонаси” олдида ўтказилган тезкор тадбирда, фуқаро А.А.А., фуқаро Ш.Ш.Ш.,дан жами 193 килограмм “Э.Э.Э.” гўштини килограммини 20 минг сўмдан жами 3.860.000 сўмга сотиб олган вақтида ушланган.

Шунингдек, тадбир давомида, А.А.А., ва унинг отаси Ғ.Ғ.Ғ.,нинг яшаш хонадонидан жами 60 килограмм номаълум ҳайвон гўшти маҳсулоти мавжудлиги аниқланиб, процессуал тартибда расмийлаштирилиб олинган.

Бундан ташқари, А.А.А., ва Ғ.Ғ.Ғ.,лар ушбу гўшт маҳсулотларини ўзлари томонидан фаолияти йўлга қўйилган [REDACTED] жойлашган “сомсахона”да сомса тайёрлаш ва истеъмолчиларга сотиш мақсадида ишлатиши аниқланиб, ушбу “сомсахона”да 20 килограмм номаълум ҳайвон гўшти маҳсулоти ва тайёр маринадланган ҳолдаги 5,5 килограмм гўшт маҳсулоти борлиги аниқланиб, ашёвий далил сифатида олиб қўйилган.

Оҳангарон тумани Ҳайвонлар касалликлари ташхиси ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги давлат марказининг 09.01.2025 йилдаги 2-3-4-сонли ва 10.01.2025 йилдаги 7-8-сонли хулосаларида ушбу гўшт маҳсулотларида “салманеллэз ва ичак таёқчалари ифлосланиш даражаси ўта юқори” эканлиги ва истеъмол учун яроқсизлиги қайд этилган.

Юқоридагиларга кўра, Ғ.Ғ.Ғ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми “б,в” бандларида назарда тутилган жиноятни содир этган.

Ш.Ш.Ш., А.А.А., ва Ғ.Ғ.Ғ.,ларнинг айблари дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар мажмуи билан тасдиқланди.

Судланувчи Ш.Ш.Ш., айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у 2024 йил декабрь ойларида ишлаш мақсадида Тошкент шаҳрига келганлигини, шундан сўнг Тошкент шаҳрида ўзи учун иш қидириб юрган вақтида, “Жасур” исмли Қашқадрё вилоятида истиқомат қилувчи таниши у билан қўнғироқлашган вақтида, иш қидириб топа олмаётганлигини билганидан сўнг, унга А.А.А.,нинг телефон рақамини бериб, А.А.А., Э.Э.Э., гўшти сотиб олишини, Э.Э.Э., сўйиб унга сотиши мумкинлигини маълум қилганини, шундан сўнг у А.А.А.,га қўнғироқ қилиб, унга “Жасур”дан телефон рақамини олганлигини, Э.Э.Э., гўшти сотиб олиш ишлари билан шуғулланаётганлиги ҳақида сўраган вақтида, у унга Э.Э.Э., гўштини kilosини 20.000 сўмдан сотиб олишини маълум қилганини, шундан сўнг [REDACTED]

[REDACTED] сотиб олишни бошлаганини, ушбу Э.Э.Э.,ларни сўйиш учун жой қидиришни бошлаганини, шунда “Галла-қудуқ” м.ф.й.,да жойлашган эски ферма чўпони “Солижон” ака билан эски ферманинг бўш биносини ўзи учун Э.Э.Э., сўйиш мақсадида танлаб,



ушбу ферма чўпони “Солижон” акага ишлаган ишига қараб пул беришини айтиб келишганини, шундан сўнг яқин атрофидаги худудлардан Э.Э.Э., қидириб уларни 150.000-200.000 сўмга сотиб олиб, эски ферма худудига жами 57 бош Э.Э.Э.,ларни олиб бориб қўйганлигини, 2024 йил декабрь ойидан 2025 йил январь ойларига қадар ушбу Э.Э.Э.,лардан 32 бошини ферма худудида якка ўзи сўйиб, Э.Э.Э., гўштлирини Тошкент шаҳрида яшовчи А.А.А.,га хар бир килосини 15000 сўмдан келишган холда сотиш билан шуғуланиб келганини, эски ферма худудида Э.Э.Э., гўштлирини сотганлиги учун Солижон акага 400.000-500.000 сўм миқдоридаги пулларни бериб турганлигини, у Солижон акага Э.Э.Э., гўштлирини ҳайвонот боғига топшириши ҳақида ёлғон гапирганлигини, 2025 йил январь ойида Тошкент шаҳар худудига Э.Э.Э., гўштлирини А.А.А.,га сотиш учун олиб кетаётган вақтида уни ИИБ ходимлари ушлашганини, шундан сўнг, Нурафшон шаҳрида Оҳангарон тумани Департаменти ва ИИБ ходимлари ундан тушунтириш олишганини, шунда у Департаментнинг Оҳангарон тумани бўлими ходимларига ўз ихтиёри билан А.А.А.,ни тезкор-тадбирда ушлашга ёрдам берганлигини, А.А.А.,га 150 кг Э.Э.Э., гўштлирини 3 млн сўмга сотаётган вақтида А.А.А., ходимлар томонидан процессуал тартибда ушланганини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, бу каби ҳолатлар бошқа такрорланмаслигини билдириб, суддан жазо тайинлашда қонунда белгиланган тартибда енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Судланувчи А.А.А., айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у 2024 йил тахминан ноябрь ойларида унинг телефон рақамига [REDACTED] истиқомат қилувчи кейинчалик танишича Ш.Ш.Ш., кўнғироқ қилиб, унга мол гўштини сотмоқчи эканлигини маълум қилиб, ундан гўшт сотиб олиш ёки олмаслиги ҳақида сўраганлигини, шундан сўнг у мол гўштини сотиб олишини, гўштни Тошкент шаҳрида жойлашган эски Қўйлиқ деҳқон бозори атрофига олиб келишини айтганлигини, шундан сўнг у билан телефонлашиб, гўштни эски Қўйлиқ деҳқон бозори атрофида қабул қилиб, килосини 25.000 сўмдан келишиб сотиб олганлигини, шундан сўнг ушбу гўшт махсулотларини “Эркин” исмли танишига ушбу гўшт махсулотларини йўловчи автомобиль орқали Олмалик шаҳар деҳқон бозорига бериб юборганини, шундан сўнг Ш.Ш.Ш.,дан 2025 йил январь ойларида 150 кг гўшт махсулотларини қабул қилаётган вақтида, уни ёнига Оҳангарон тумани ИИБ ҳамда Департамент ходимлари келиб уни ушлашганини, кейинчалик билишича Ш.Ш.Ш., томонидан унга сотилган гўшт махсулотлари Э.Э.Э., гўшти эканлигини, у 2024 йил декабрь ойидан 2025 йил январь ойига қадар Ш.Ш.Ш.,дан гўшт махсулотларини сотиб олганлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, бу каби ҳолатлар бошқа такрорланмаслигини билдириб, суддан жазо тайинлашда қонунда белгиланган тартибда енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.



Судланувчи F.F.F., айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам у 2024 йил баҳор фаслида [REDACTED]

[REDACTED] очиб ушбу сомсахонада Ислонжон исмли йигит билан сомса ёпиш ишлари билан шуғулланиб келганлигини, ушбу сомсахонага гўшт махсулотларини Ислонжон ҳамда унинг ўзи Қўйлиқ деҳқон бозоридан олиб келишини, сомсахонада кунига 150-200 дона гўштли, 40-50 дона картошкали сомса ёпишини, 2025 йил 09 январь куни “Чимён” дам олиш санаториясига қарашли шифохонадан чиқиб яшаш хонадонига келганлигини, шундан сўнг хонадонига бўлган вақтида, яшаш хонадонига Оҳангарон тумани ИИБ ходимлари ўғли А.А.А., билан бирга келиб, яшаш хонадонига сақланаётган ўғли А.А.А., томонидан олиб келинган гўшт махсулотларини холислар иштирокида расмийлаштириб олишганлигини, сўнг уни ҳамда ўғли А.А.А.,ни Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаментининг Оҳангарон туман бўлими маъмурий биносига олиб келиб, ундан тушунтириш олишганлигини, у ходимларга гўшт махсулотларини ўғли А.А.А., хонадонига олиб келганлигини маълум қилганлигини, у қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини, бу каби ҳолатлар бошқа такрорланмаслигини билдириб, суддан жазо тайинлашда қонунда белгиланган тартибда енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гувоҳ К.К.К., ҳақиқатдан ҳам у Оҳангарон тумани ҳайвонлар қасалликлари ташхиси ва озиқ-овқат махсулотлари хавфсизлиги давлат марказида бактериология бўлими мудир лавозимида ишлаб келишини, 2025 йил 09 январь куни Иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаментининг Оҳангарон тумани бўлими томонидан ёзма мурожаат келиб тушганлигини, шундан сўнг мазкур мурожаатга асосан Иқтисодий жиноятларга қарши кураш Департаментининг Оҳангарон туман бўлими маъмурий биносига бориб, тезкор-тадбир давомида, холислар иштирокида олинган ҳайвон гўштлиридан экспертиза текшируви учун намуналар олганлигини, ушбу гошт махсулотлари лаборатор текширувлардан ўтказилганини, мазкур гўшт махсулотлари таркибида тадқиқотлар натижасида, инсон саломатлиги учун хавфли бўлган салманеллэз ва ичак таёқчалари мавжудлиги, ҳайвон гўштлирининг ифлосланиш даражаси юқори эканлиги аниқланганини, шундан сўнг биологик усулда объектив амалга оширилган тадқиқотлар натижасига кўра, 2, 3, 4-сонли ҳамда 7-8-сонли экспертиза хулосалари тақдим қилинганлигини айтиб, кўрсатув берди.

Гувоҳ Ж.Ж.Ж., ҳақиқатдан ҳам у 2018 йилда [REDACTED]

[REDACTED] ишчи сифатида ишлаб юрган вақтида, сомсахонага мижоз сифатида келган F.F.F., билан танишиб қолганлигини, F.F.F., унга ўзини сомсапаз эканлигини айтиб таништирганлигини, шундан сўнг F.F.F., унга [REDACTED] худудидан ўз сомсахонасини очишга ёрдам берганлигини, у ушбу сомсахонани 2016 йилда очганлигини, шундан



сўнг 2023 йилда у ижарага олган бино бузилганлиги сабабли, [REDACTED] [REDACTED] худудидан бошқа бинони ижарага олиб, сомса тайёрлаш ишларини давом эттириб келганлигини, у сомсахонанинг ишларини юритаётган вақтида, сомсахонага гўшт махсулотларини F.F.F.,нинг ўзи олиб келганлигини, F.F.F., бетоб бўлиб қолган вақтларида, унинг ўғли A.A.A., сомсахонага гўшт махсулотларини олиб келиб турганлигини, унинг ўзи ҳам сомсахонага гўшт махсулотларини Паркент туманидаги бозордан килосини 70.000-75.000 сўмдан сотиб олиб келиб турганлигини, у сомса учун фақат мол гўштини харид қилганлигини, 2025 йил 9 январь куни соат 23:00 ларда ИИБ ходимлари келиб сомсахонани кўздан кечиришиб музлатгичдан жами 25 кг гўшт махсулотларини холислар иштирокида расмийлаштириб олишганини айтиб, кўрсатув берди.

Тарафларнинг розилиги билан дастлабки тергов даврида берган кўрсатуви ўқиб эшиттирилган гувоҳлар С.Мингбоев, Х.Ғуломов, С.Исматуллаевларнинг дастлабки тергов давридаги кўрсатувлари билан;

Юқоридагилардан ташқари, шу иш бўйича дастлабки тергов даврида тўпланган ишдаги ҳужжатларда, яъни;

Суд, давлат айбловчисининг хулосасини, судланувчи Ш.Ш.Ш.,, A.A.A., ва F.F.F.,ларнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганликдаги айби ўзларининг айбларига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатмаларидан ташқари, Терговга қадар текширув ҳаракатлари давомида тўпланган ҳужжатлар, биологик экспертиза хулосалари ҳамда гувоҳларнинг кўрсатувлари, тушунтириш хатлари, юзлаштириш баённомаси, шунингдек жиноят ишида тўпланган бошқа ишончга сазовор объектив далиллар йиғиндиси билан тўлиқ ўз исботини топган деб ҳисоблайди.

Суд жиноят ишида тўпланган судланувчи Ш.Ш.Ш.,, A.A.A., ва F.F.F.,ларни ҳам айблайдиган, ҳам оқлайдиган далилларнинг ҳар бирини Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддаси асосида баҳолаб, қайд этилган далиллар айбини тасдиқловчи бўлганлиги туфайли уларни ишга алоқадор деб, қонунда белгиланган тартибда тўпланганлигини назарда тутиб, уларни мақбул деб, суриштирув, дастлабки тергов даврида ва судда бир хил баён қилинганини ва мантиқан бир бирига мос ва ҳақиқийлигини сўзсиз тасдиқловчи бўлганлигини назарда тутиб, ҳуқуқий онгга амал қилиб, уни ишончли деб баҳолайди ва бу далилларнинг мажмуини Ш.Ш.Ш.,, A.A.A., ва F.F.F.,ларни Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 82-моддаси асосида айблаш ва ҳукм қилиш учун етарли деб ҳисоблайди.

Суд, Ш.Ш.Ш.,, A.A.A., ва F.F.F.,ларни квалификация қилиш масаласини муҳокама қилиб, қуйидагиларни аниқлади:

Дастлабки тергов органи томонидан Ш.Ш.Ш.,, A.A.A., ва F.F.F.,ларнинг жиноий ҳаракатларини, яъни; “Бир гуруҳ бўлган ҳолда, 2024 йил декабрь ойидан 2025 йил январь ойларига қадар такроран



истеъмолчиларнинг ҳаёти ёки соғлиги хавфсизлиги талабларига жавоб бермайдиган ҳайвон гўшти маҳсулотларини ўтказиш мақсади ишлаб чиқариш, сақлаш ёхуд ташишда ифодаланган жиноий ҳаракатларини дастлабки тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми “б,в” бандлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 03 февраль кунидаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилсин”, 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши керак” деган талабларига риоя қилиб, судланувчиларга жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилишда содир қилинган жиноятнинг ижтимоий хавфли даражасини, жиноят содир этилиши сабаблари ва оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланишларни, содир қилинган ҳаракатларни оғирлик даражасини инobatга олиб, судланувчиларга индивидуал ёндошган ҳолда жазо тайинлашликни лозим топади.

Суд, судланувчи Ш.Ш.Ш.,га нисбатан жазо тайинлашда, у томонидан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, уни айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали бўлиб қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини Жиноят кодексининг 55-моддаси асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ёки бошқа паст ниятда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, айни вақтда айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини, оилали бўлиб қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инobatга олиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ жазо тайинлашни, тайинланган жазони ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “а” банди талабига асосан манзил-колонияларда ўтаттиришни;

-судланувчи А.А.А.,га нисбатан жазо тайинлашда, у томонидан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, уни айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, бўйдоқлигини Жиноят кодексининг 55-моддаси асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ёки бошқа паст ниятда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига



асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, айна вақтда айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини, бўйдоқлигини инобатга олиб, унга нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддасини қўллаган ҳолда қонун санкциясида назарда тутилган энг кам озодликдан маҳрум қилиш жазосидан ҳам камроқ жазо тайинлашни, тайинланган жазони ЖКнинг 50-моддаси 7-қисми “а” банди талабига асосан манзил-колонияларда ўтатиришни;

-судланувчи Ғ.Ғ.Ғ.,га нисбатан жазо тайинлашда, у томонидан содир этилган унча оғир бўлмаган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини ҳисобга олиш билан бирга, уни айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганлигини, оилали бўлиб қарамоғида уч нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини инобатга олиб, Жиноят кодексининг 55-моддаси асосида жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ёки бошқа паст ниятда содир этганлигини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаб, айна вақтда айбига иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлиги, муқаддам судланмаганлигини, оилали бўлиб қарамоғида уч нафар фарзандлари борлигини, ушбу жиноят иши доирасида ўғли А.А.А., ҳам озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланаётганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни ҳамда унинг эҳтиёт чораси сифатида қамоқда ўтирган ҳар бир кунини ЖКнинг 62-моддасига асосан озодликни чеклаш жазосининг бир кунига тенглаштириб ҳисоблаб, қамоқда ўтирган кунларини чиқариб, жазо тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси талабига мувофиқ, “гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига маҳкумга тегишли бўлган жиноят қуроллари мусодара қилиниши керак ва улар тегишли муассасаларга топширилади ёки йўқ қилиб юборилади. Гумон қилинувчига, айбланувчига, судланувчига маҳкумга тегишли бўлмаган мол-мулк қонуний эгаларига, мулкдорларига ёки уларнинг ҳуқуқий ворисларига, шунингдек меросхўрларига қайтариб берилиши” белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг “Жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларга оид қонунчиликни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида” 2012 йил 13 декабрдаги Қарорининг 2^а-кичик бандида, жиноят қуроли деганда жиноятга тайёргарлик кўриш ёки жиноят содир этиш учун махсус мўлжалланган тайёрланган ёки мосланган нарсалар ёхуд бевосита жиноят содир этиш жараёнида жиноий мақсадга эришиш учун фойдаланилган нарсалар тушунилиши:

Мазкур Пленум Қарорининг 10-бандига кўра “Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, баъзи ҳолларда айрим қилмишлар, масалан, контрабанда, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, гиёҳвандлик



воситалари ёки психотроп моддаларни қонунга ҳилоф равишда ташиш, одам ўғирлаш ва ҳ.к. учун жиноий жавобгарликка тортилган шахслар жиноят содир этишда фойдаланган автомашиналар, мотоцикллар ва бошқа транспорт воситалари жиноят қуроли деб эътироф этилиши мумкин. Бунда шуни назарда тутиш лозимки, ушбу транспорт воситаларини жиноят қуроли деб эътироф этиш учун транспорт воситасидан, фақат улов сифатида эмас (масалан, айбдор томонидан қонунга ҳилоф равишда балиқчилик жинояти қармоқлар ва тўрлардан фойдаланилган ҳолда содир этилган бўлиб, автомобилдан фақат улов сифатида фойдаланилган бўлса), балки, қасддан жиноят содир этишда айнан қурол сифатида фойдаланилганлиги сўзсиз аниқланган бўлиши зарур (масалан, талон-торож жиноятини содир этишда ўғирланган катта ҳажмдаги товарлар автомобилда олиб чиқиб кетилган бўлса) ҳақида тушинтиришлар берилган.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, судланувчи Ш.Ш.Ш., Пскент, Ўртачирчиқ тумани ҳудудларида истиқомат қилувчи маҳаллий аҳолидан Э.Э.Э.,ларни донасини [REDACTED]

[REDACTED] олиб бориб, у ерда сўйиб, Э.Э.Э., гўштарини Тошкент шаҳрида яшовчи А.А.А., Абдушокировга хар бир килосини 15000 сўмдан сотиб келганлиги, судланувчи А.А.А., бошқарувида бўлган "Cobalt" русумли 01 В 466 RB давлат белгили автомашинасида келиб ушбу гўшт махсулотларини олиб кетганлиги аниқланган.

Суд, дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.А.А., бошқарувида бўлган [REDACTED] белгили автомашинадан фақатгина улов сифатида фойдаланиб келганлигини назардан четда қолдириб [REDACTED] белгили автомашинадан қурол сифатида фойдаланганлигини асос қилиб, жиноят қуроли деб эътироф этиб, барвақт хулосага келган деб ҳисоблайди.

Юқоридаги Олий суди Пленумининг қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддаси талабларидан келиб чиқиб, ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган [REDACTED]

[REDACTED] автомашина қонуний эгасига қайтаришни;

-шунингдек, жиноят иши юзасидан далилий ашё деб эътироф этилган АТБ [REDACTED]

[REDACTED] пулларни давлат фойдасига ўтказишни ҳамда 15 дона хўжалик пичоқлари, бир дона болта, икки дона тарози ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг қонунда белгиланган тартибда йўқ қилишни;

[REDACTED]

учун топширилганлигини инобатга олишни;

-судланувчи А.А.А.,дан баённома асосида олинган "Iphone 15



Promax" телефон аппарати ҳамда Ш.Ш.Ш.,дан олинган [REDACTED] қайтаришни лозим деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 459-460, 462-463, 465-468 ва 471-473, 476-моддаларига асосан суд,

ҲУКМ ҚИЛДИ:

Ғ.Ғ.Ғ., Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми "б,в" бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ғ.Ғ.Ғ.,га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми "б,в" бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Ғ.Ғ.Ғ.,га тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини манзил-колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддатини 2025 йил 15 январдан бошлаб ҳисоблансин.

Ш.Ш.Ш.,га нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

А.А.А., Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми "б,в" бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

А.А.А.,га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми "б,в" бандлари билан ЖКнинг 57-моддасини қўллаб 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

А.А.А.,га тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазосини манзил-колонияларда ўтаттирилсин.

Жазони ўташ муддатини 2025 йил 15 январдан бошлаб ҳисоблансин.

А.А.А.,га нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ғ.Ғ.Ғ., Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми "б,в" бандларида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Ғ.Ғ.Ғ.,га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 2-қисми "б,в" бандлари билан 4 (тўрт) йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

Ғ.Ғ.Ғ.,ни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 62-моддаси тартибида 2025 йил 15 январдан 2025 йил 01 майга қадар қамоқда сақланган 3 ой 15 кунини озодликни чеклаш жазосини 1 кунига тенглаштирилиб, ўташ учун 3 йил 8 ой 15 кун озодликни чеклаш жазоси қолдирилсин.



Ғ.Ғ.Ғ.,га нисбатан тайинланган озодликни чеклаш жазосини

ўташи белгилансин ҳамда иш жойига бориши ва уй-жойига қайтиб келиши учун зарур бўлган вақтдан ташқари қолган вақтда уй-жойидан чиқиши тақиқлансин.

Ғ.Ғ.Ғ., зиммасига:

-маҳкумларни назорат қилувчи органнинг розилигисиз, яшаш жойини ўзгартирмаслик мажбурияти юклансин ҳамда Тошкент шаҳар ҳудудидан ташқарига чиқмаслик қўшимча чеклашлар юклансин.

Ҳукм ижроси пробатсия бўлими томонидан амалга оширилсин.

Жазони ўташ муддати, ҳукм ижрога қаратилиб, жазоларни ижро этиш инспекциясида ҳисобга қўйилган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Ғ.Ғ.Ғ.,га агар озодликни чеклаш жазосига ҳукм қилинган шахс жазони ўташ даврида ўзининг жиноий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги;

-озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириши мумкинлиги тушунтирилсин.

Ғ.Ғ.Ғ.,га нисбатан қўлланилган қамоқ эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва дарҳол қамоқдан озод қилинсин.

ИИБ ЙХХБ жарима майдончасида сақланаётган “Cobalt” русумли 01 В 466 RB давлат белгили автомашина қонуний эгасига қайтарилсин.

Жиноят иши юзасидан далилий ашё деб эътироф этилган АТБ “Агро-банк” Оҳангарон туман филиали махсус ғазнасига топширилган 3.860.000 сўм пулларни давлат фойдасига ўтказилсин ҳамда 15 дона хўжалик пичоқлари, бир дона болта, икки дона тарози ҳукм қонуний кучга киргандан сўнг қонунда белгиланган тартибда йўқ қилинсин.

ушун топширилганлиги инобатга олинсин.

Судланувчи А.А.А.,дан баённома асосида олинган

қайтарилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар прокурор ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчилар ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жиноят ишлари бўйича апелляция инстанцияси судлов ҳайъатига апелляция тартибида, иш апелляция тартибида кўрилмаган тақдирда, қонуний



кучга кирган ҳукм устидан кассация тартибида шикоят келтиришга ёки
прокурор протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

(имзо)

Ж.Ҳайдаров

Аслига тўғри _____

Ҳужжат имзоланган: Ҳайдаров Жамшид Раҳимбоевич, 23.05.2025

